

Тазкия дарслари (57-дарс). Ким сўфий бўлса-ю, фақиҳ бўлмаса, зиндиқ бўлибдир...



14:40 / 02.11.2019 5800

Исломни яхши ўрганиб, шу билан бирга Исломнинг руҳий тарбия қисми бўлган тасаввуфни ҳам илмий асосда ўрганишни йўлга қўйиш бизнинг энг биринчи вазифамиз бўлиши керак. Бунинг учун дастлаб бу масаланинг ўзини яхшилаб англаб олишимиз лозим. Тасаввуфни бутунлай инкор этаётганларга унинг ҳақиқатини тушунтиришимиз зарур. Тасаввуфнинг тарихини яхшилаб ўрганиб, унинг номидан содир этилган хатоларни аниқлаб, шариат таълимотларига зид нарсалар қаторида инкор қилмоғимиз бизнинг вазифамиздир. Шу билан бирга, Қуръон ва Суннатга мувофиқ қисм – сунний тасаввуфни тан олмоғимиз лозим.

Бу ишни йўлга қўйишда имом Молик раҳматуллоҳи алайҳининг «Ким сўфий бўлса-ю, фақиҳ бўлмаса, зиндиқ бўлибдир. Ким фақиҳ бўлса-ю, сўфий бўлмаса, фосиқ бўлибдир. Ким иккисини жамласа, муҳаққиқ бўлибдир», деган гапини эсда тутишимиз лозим.

Ҳа, биз ҳозирги пайтда худди шу қоидага амал қилишимиз керак. Чунки баъзи сўфийларимиз фиқҳ илмини етарли билмайдилар. Баъзи фақиҳларимиз тасаввуфни етарли билмайдилар. Иккисини жамлаганларимиз эса бармоқ билан санаарли даражада оз.

Ҳа, ҳозирда тасаввуф йўлинни тутганлиги билан фахрланиб юрганларимиз ўзларининг илмий даражаларини қайта кўриб чиқишлиари жуда ҳам зарур.

Ақийда, шариат ва тариқат бобларидан нималарни устоздан қабул қилгани ва нималарни ўқиганини сархисоб қилсін. Илми етарли бўлмаса, зудлик билан илм олишга ўтсин. Ҳеч бўлмаса, ўзига фарзи айн бўлган илмларни ўргансин. Бу оддий муриднинг вазифасидир. Аммо ўзини бошқаларга бошлиқ, устоз, шайх деб билганлар эса ўз мақомига яраша илми борми-йўқми эканини аниқлаб олмоғи ва камини тўлдирмоғи зарур.

Зеро, такрор бўлса ҳам, яна айтамизки, тасаввуф шариатдан ташқаридаги, ундан юқорироқ турувчи алоҳида бир йўл эмас. Тасаввуф - шаръий аҳкомларни севиб, ички ҳузур билан адо этмоқлиkdir. Тасаввуф - шариат соҳибини - Роббул оламинни севмоқ ва Унга мутлақо таслим бўлмоқдир. Аммо бу севги вужудга боғлиқ муҳаббат эмас.

Тасаввуф адабиётидаги турли рамзлар, ишоратлар, сўфий шоирларнинг илоҳий ишқ ҳақида муболағали тасвиirlари, илоҳий ёрнинг вужудини васф қилишга уриниш каби ҳолатлар кўпинча шатаҳотлардан холи бўлмайди. Ҳолбуки, «ишқи илоҳий» деган тушунчанинг ўзи ҳам нотўғридир. «Ишқ» сўзи вужудга оид майлни ҳам ифода этгани учун, бу сўз асосан эркак ва аёлнинг севгисига нисбатан қўлланилади. Фақат қалбга доир бу гўзал туйғуни эса «муҳаббат» деб ёки умуман, «севги» деб атамоқ тўғридир. Шу маънода Робни севмоқ - Унинг барча исм ва сифатларини севмоқдир. Аллоҳ таолога муҳаббат - иймон келтириш талаб қилинган асосларни севмоқ демакдир. Аллоҳ азза ва жаллани севмоқ - Унинг барча яратган махлуқларини ва энг аввало Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни севмоқ демакдир. Расууллоҳни севмоқ эса у зотнинг суннатларига эргашмоқ, севиб амал қилмоқлиkdir.

Аслида Аллоҳ таолонинг севгисига эришишни истаган банда учун энг тўғри йўл У Зотнинг махлуқларини ва энг аввало Роббимизнинг севимли ҳабиби бўлмиш Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламни севишидир.

«Тасаввуф ҳақида тасаввур» китобидан